



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Аввало, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонқуярлик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган сиз, азиз журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларига ўзининг чуқур ҳурматини билдириб, сизларни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун эл-юртимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Шу ҳурсандчилик кунда барча-барчангизни самимий қутлар эканман, Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардлари-га дармон бўлмоқ вазифангиздир», деб айтган чуқур маъноли даъвати халқимизнинг фидойи фарзандларига, авваламбор, ҳаммаша эл-юрт ташвиши ва манфаати билан ёниб яшайдиган сиз, матбуот аҳлига қаратилган, десам, ўйлайманки, кўпчилик жамоатчилигимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Мухтарам дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замони, қолаверса, бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга қўётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараққиш топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз гумон бўлиб қолади.

Бу юксак талабни барчамиз, биринчи навбатда доимо жамиятнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган сиз, матбуот аҳли яхши тушунасиз, англайсиз, деб биламан.

Айни шу талабни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида, айтиш мумкинки, катта ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қандай муҳим дастур ва тадбирлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда янги, юксак босқич бўлди, десак, янгилимаган бўламиз.

Бу борада айрим мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жамият ҳаётининг кўзгуси бўлган ушбу соҳани ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда катта амалий қадамлар қўйганимиз яққол аён бўлади.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илгор медиа тармоқлари – рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Хозирги вақтда Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси таркибида кейинги пайтда ташкил этилган «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари қаторида «Диёр», «Оилавий», «Кинотеатр», «Наво» каби янги телеканаллар халқимизнинг илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётганини эътиборга олайлик.

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорига биноан улар учун яратилган имтиёз ва преференциялар мазкур тузилмаларнинг мустақиллигини сўзда эмас, амалда таъминлашда қулай молиявий шароит тўғрисида, ушбу соҳада меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга бошқа бир қатор тармоқлар ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларининг фидойилари бўлган, турли долзарб масалаларни

қалбидан, юрагидан ўтказиб, бу соҳанинг бошқа тармоқлардан кам бўлмаслиги учун доимо интилиб яшайдиган сиз, мухтарам журналистлар бир ҳақиқатни албатта яхши англайсиз, деб ишонман: бугунги кунда, айни шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади.

Турли гоа ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлгонни рост, ростни ёлгон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, гаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етadиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари авваламбор оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади.

Хозирги вақтда ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафқураларни қўмсагга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётган бир пайтда бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун ахборот соҳасида етти ўлчаб бир кесиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, граждонлик позициянгизга таянамиз.

Ёшларимизни айнан ана шу руҳда – миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол авлоднинг камол топтирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, эртанги ҳаётимизнинг энг мустаҳкам пойдеворини қурган бўламиз.

Шу нуктаи назардан қараганда, юксак касб маҳоратига эга бўлган етук журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчамиз яхши тушунамиз, бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялар, чет эллардаги ҳамкасблари билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўз олдимизга ривожланган демократик давлатлар даражасига қўтарилишдек юксак мақсадни қўйган эканмиз, бошқа соҳалар қатори ахборот оламида ҳам илгарилаб кетган давлатлардан ўрганиш, айни шу асосда оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикрни такрорлашни жоиз деб биламан.

Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафқуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ.

Бундай долзарб вазифалар авваламбор олий ўқув юртларида шу соҳа бўйича дарс берадиган, замонавий билим ва технологияларни ёшларга ўргатадиган ўқитувчи ва домлаларга тегишли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан 600 нафардан зиёди хорижий давлатларда малака ошириб, тажриба алмашиб қайтгани албатта эътиборга сазовордир. Айни вақтда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янада кучайтириши бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг жаҳон журналистикасининг илгор иш услублари ва ютуқларини, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш, шу билан бирга, сиз, ҳурматли журналистларнинг олдида пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечиш учун давлатимиз томонидан барча чора ва тадбирлар албатта қўрилади.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида барчангизга сихат-саломатлик, куч-ғайрат, янги омадлар тилайман.

Азиз бошингиз доимо омон бўлишини истайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ГЎЗАЛ ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26-27 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммунал тармоқлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоятнинг иқтисодий салоҳияти барча соҳаларни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 107,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. Экспорт қилувчи корхоналарнинг кенг қўллаб-қувватланаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятнинг бу борадаги салоҳияти муттасил ошиб бормоқда. 2014 йилнинг биринчи чорагида маҳсулотлар экспорти 120,5 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

Вилоятдаги ўзгариш, янгиланиш шаҳар остонасидаюқ кўзга ташланади. Фарғона халқаро аэропортида қурилган янги бино вилоятдаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларидан дарак беради.

Президентимиз ушбу бинони кўздан кечириб экан, уни янада қўрқамлаштириш, йўловчиларга замонавий қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Фарғона аҳли азалдан санъат ва маданиятни юксак қадрлайди. Вилоятда 4 театр ва 14 музей, бой китоб фонди-га эга 1628 кутубхона ва ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2012 йил 14 декабр кўни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Фарғона-ни том маънода гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантириш, аҳоли учун муносиб шарт-шароитлар яратиш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган. Ўтган қисқа вақт мобайнида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Вилоят марказида минг ўринли Санъат саройи қуриб битказилди. Сарой атрофидаги 40 гектар майдонга 10 минг туп манзарали дарахт экилиб, сўлим хийбон барпо этилди. Мусиқали фаворалар иқлим мўтадиллигини таъминламоқда.

Президентимиз мазкур Санъат саройида томошабинлар учун яратилган қулайликлар билан қизиқди.

Кенг ва ёруғ санъат қошонасининг эшик ва устунлари миллий услубда безатилган. Томоша залида томошабинлар учун барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган. Саҳна атрофида замонавий ёритиш чироклари ўрнатилган.

Янги иншоотлар барпо этишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки биз қураётган бинолар неча ўн йиллаб келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилиши даркор, деди давлатимиз раҳбари.

Санъат саройига туташ ҳудудда муҳташам спорт қошонаси – Сув спорти мажмуаси бунёд этилган. Сув ҳавзаси, машғулот ва тренажёр залларига эга мазкур мажмуада болалар сузиш, синхрон сузиш, сув полоси каби спорт турлари билан шугулланади.

Президентимиз бу ерда машғулот ўтаётган болалар билан суҳбатлашди. Уларнинг ўқиши, келажакдаги режалари билан қизиқди.

– Спорт инсонни қатъиятли қилади, иродасини мустаҳкамлайди. Иродали инсон ўз олдига катта мақсадлар қўяди



ушга албатта эришади. Ўзбекистон фарзандлари нафақат спортда, балки барча соҳаларда улкан марраларни қўлга киритиши учун биз ҳеч нарсани аямаймиз. Чунки биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз, ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, – деди Юртбошимиз.

Вилоятда болалар спорт мажмуалари, мусика ва санъат мактаблари қуриш изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 14 спорт комплекси ва спорт заллари, мусика ва санъат мактаблари қурилмоқда ҳамда реконструкция қилинмоқда. Уларнинг барчаси замонавий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланган.

Ислом Каримов болаларга спорт анжомлари соғва қилди.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз шаҳарлари бош режа асосида қайта қурилмоқда. Бунини Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Термиз, Қарши, Урганч каби шаҳарларимизнинг бугунги жамоли мисолида қўриш мумкин. Шулар қатори Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ҳам кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу мазкур шаҳарларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори асосида вилоят марказида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хийбонлар бунёд этилаётди.

Фарғона шаҳрининг қиёфаси қисқа муддатда бутунлай ўзгарибди, деди Юртбошимиз. Шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда, бино ва йўллар қуришда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозим. Айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтириш, замонавий иншоотлар барпо этиш керак.

Мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мураббийлар ва ҳакамлар малакасини ошириш юзасидан кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Фарғона шаҳрида бунёд этилган 20 минг ўринли стадион мазкур йўналишдаги ишларнинг изчил давомидир. Бу стадион ўзининг ноёб меъморий ва муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан Фарғона қўрқига қўрқ бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу стадионни бориб кўрди.

Президентимиз стадионда спортчилар, томошабинлар учун қулай шарт-шароит яратиш, ёш спортчилар, хусусан, футболчилар тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий оммавий ахборот воситалари равнақи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларининг янада фидойилик билан меҳнат қилишида, улардаги ижтимоий фаоллик, элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини тобора кучайтиришда асосий омил бўлмоқда.

Зеро, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашда, жамиятимиздаги ижтимоий барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашда, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни воғға етказишда матбуот ва оммавий

ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. «Туркистон» саройида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унга сенаторлар, депутатлар, турли ва-

зирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда)

ГЎЗАЛ ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи куни Кува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги далалига ташриф буюрди.

Фарғоналик деҳқонлар бу йил 112 минг 500 гектар майдонда қалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. Олтиариқ туманидаги «Нурли обод», Бувайда туманидаги «Патилхон», Ёзёвон туманидаги «Тўхта-син - 2000», Учқўприк туманидаги «Марварид гул ифори», Тошлоқ туманидаги «Лукмонов» фермер хўжаликлари бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Президентимиз Фарғона шаҳрида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари халқимиз манфаати йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва унинг самараларига ёрқин мисол эканини, бундай бунёдкорлик одамларимиз кўнгилни кўтариб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашини таъкидлади.

Ислом Каримов ташаббуси билан Фарғона шаҳрининг маркази яратилди. Шаҳар атрофида кичик халқа йўли барпо этилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилди. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайлик яратмоқда.

Юртбошимиз фермерлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқотда фермерлик ҳаракатининг самаралари, уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида тўхталиди.

— Бир пайтлар халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалланинг асосий қисмини бошқа давлатлардан олиб келар эдик, — деди Президентимиз. — Фер-

мерлик ҳаракатининг йўлга қўйилгани, уларга керакли шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилгани туфайли Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Дастлабки йилларда фермерларимиз хорижий давлатларга бориб, тажриба олтириб келган бўлса, энди чет элликлар келиб биздан ўрганиб кетмоқда. Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган 200 дан ортиқ хорижий олимлар, мутахассислар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларни ўрганиш, хусусан, фермерларимиз билан тажриба алмашиш ниятида эканини билдирди. Булар ҳаммамизни қувонтиради, гуруримизга гурур қўшади.

Авазбек Тешабоев раҳбарлик қилаётган «Роҳатой» фермер хўжалиги аъзолари 349 гектардан ортиқ майдонда пахта ва ғалла етиштираётди. Қўн тармоқли фермер хўжаликлари учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, бу ерда балиқчилик ташкил этилган. 200 тонна ҳажмдаги музлатгич омбор барпо этилиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлаш йўлга қўйилган.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Бу, авваламбор, юртимиздаги тинчлик-оқойишталик, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги туфайлидир. Тинчлик бўлган жойда мана шундай мўл-кўлчилик, фаровонлик бўлади, одамлар ўз мақсадларини рўёбга чиқаради. Бу неъматларнинг барқарорлигини таъминлаш учун танлаган йўлимизда собитқадам туриб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқойишталикни кўз қорачигидек асрашимиз, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз даркор, деди Президентимиз.

Ислом Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар қишлоқ хўжалиги

соҳасининг ҳал қилувчи кучи бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Фермерлик ҳаракати ҳақида гапирганда, мен илгари айтган бир фикрни яна бир бор такрорлашни ўринли деб ўйлайман. Фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айти пайда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарур. Бугунги ҳаёт олди-мизга қўяётган янги-янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, юртимизни бундан-да обод қилишда фаол иштирок этиши керак, — деди Президентимиз.

«Клас» комбайни бошқарувчиси Дилшод Ҳотамов германияликлар билан ҳамкорликда юртимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу комбайннинг иш унумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, бошқаришда қулайликлар ҳақида гапирди. Ўз ишидан, ҳаётдан мамнунлигини, эртанги кундан кўнгли тўқлигини таъкидлади.

Ҳар бир инсон ўзига оилам мендан розими, дея савол бериб туриши керак. Чунки бахтининг асосий омилли — бу оила. Оилалар бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

«Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев, Фуркат туманидаги «Шабода-Н» фермер хўжалиги раҳбари Нурли Фаниев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова ва бошқалар Президентимиз раҳна-молигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ҳар соҳада намоён бўлаётгани, давлатимизнинг халқаро нуфузи, одамларнинг турмуш тарзи тобора юксалиб бораётганини таъкидлади.

Анвар САМАДОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари
Сарвар Ўрмонов олган сурат



ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ФИДОЙИЛИК ВА ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси расми Ш.Ғуломов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Нурматов, «Бухоронома» газетаси бош муҳаррири Ж.Исмоилов ва бошқалар миллий медиа соҳани изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини юзага чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ахборот ва сўз эркинлигига оид қоидаларнинг мустаҳкамлангани оммавий ахборот воситаларининг чинакам эркин фикр минбарига айланишининг ҳуқуқий қафолатини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ўнга яқин қонун ҳужжати қабул қилингани оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини қафолатлаш ҳамда муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини янада раванқ топтиришининг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»-ги Қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 га яқин газета ва журнал, электрон, интернет мадега тузилмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг 50 фоиздан ортигини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда.

Юртимиз оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот маконига ўз ўрнига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари медиа тузилмалари даражасида фаолият олиб бориши учун яратилган шароит ва имкониятлар соҳадаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тобора такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари

ри, телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган материалларнинг реал вақт режимида глобал тармоқ орқали дунё бўйлаб тарқатилаётгани, аксарият босма нашрларнинг ўз веб-сайтига эга экани миллий журналистикамизнинг жаҳон ахборот маконига тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги қонуни бу жараёнда фуқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини тобора қучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишнинг ишончли қафолатини яратиш имконини беради.

Мустақил, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган медиа тузилмаларни шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташкилотлар томонидан медиа тузилмаларни қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга оид қўллаб қўйишлар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» республика кўрик-танловининг ғолиби ва сирдорлар тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан оммавий спорт тарғиботи бўлими фаоллик кўрсатган журналистларга соғва ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири Моҳигул Азимова, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси муҳбири Адилбай Оразов, «Правда Востока» газетаси муҳбири Виктория Абдурахимова давлатимиз раҳбарига соҳа ривожини йўлида кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Шу кунги пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли ташкил этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Аъло Абдуллаев олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2013» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Виктория Абдурахимова — «Правда Востока» газетаси муҳбири

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг оддий инсонлар тақдирига таъсири, уларнинг ҳаёти, орау-интилишлари ҳақидаги «Одамлар орасида» туркумидаги мақолалари учун

Моҳигул Азимова — «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ижроси доирасида ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрли ёшларни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ишлар, уларнинг тафаккури ва турмуш тарзидаги ўзгаришларга бағишланган туркум эшиттиришлари учун

Зебо Бобоева — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА Таржима таҳририяти бош муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан самаралари ёритилган долзарб мавзулардаги ижтимоий-сиёсий материалларнинг таржимаси учун

Ҳадича Каримова — Фарғона вилояти Қўштепа тумани «Истиқбол йўли» газетаси муҳаррири

«Саодатим, ҳаловатим, муҳаббатим — Ватан!» туркумидаги публицистик мақолалари учун

Назира Мамбетшеринова — Ўзбекистон Миллий телерадиоканали «Ахборот» информатсион дастурлар бош муҳарририяти муҳбир-репортёри

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди:

Матлубахон Абдурахмонова — «Марғилон ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири

Сафар Омонқулов — (Сурхондарё вилояти) «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири

Маъмуржон Бозоралиев — (Тошкент вилояти) Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги нашри — «Машъал» газетаси бўлим бошлиғи

Акмал Жумамуратов — (Интернет-журналистика) Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти

Дилдора Каттаева — (Навоий вилояти) «Навоий ёшлари» газетаси маъсۇл котиби

Жаннат Молдашева — «Нурлы жол» газетаси бўлим мудири

Баҳодир Мўминов — (Наманган вилояти) «Диёнат» газетаси муҳбири

Инобат Очилова — (Бухоро вилояти) Вилоят телерадиоканали яси радио гуруҳи катта муҳаррири

Ҳолида Пардабоева — (Сирдарё вилояти) «Сирдарё ҳақиқати» газетаси бўлим мудири

Георгий Петросян — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти бўлим мудири

Тўлқин Пўлатов — Ўзбекистон Миллий телерадиоканали «Дунё бўйлаб» телеканали Маърифий ўлкашунослик дастурлари муҳарририяти бош муҳаррири

Гулюз Сиддиқова — Ўзбекистон Миллий телерадиоканали «Маданият ва маърифат» телеканали муҳаррири

Хусрав Ҳамидов — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

Умрбой Шомуротов — (Хоразм вилояти) Вилоят телерадиоканали телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Матлуба Юсупова — (Андижон вилояти) Вилоят телерадиоканали телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

Нодира Мақсудова — «Гранд» радиоси шеф-редактори

Ўзбекистонда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган сый-ҳаракатлар ва уларнинг тарғибига бағишланган ахборот-таҳлилий радиозиттиришлари учун

Адилбай Оразов — «Еркин Қарақалпақстан» газетаси муҳбири

Қорақалпоғистон Республикасида «Обод турмуш йили» ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

Бекзод Сайфиев — «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири

Вилоят ҳаётининг турли жаҳаларидан тайёрланган долзарб мавзуларга танқидий-таҳлилий мақолалари учун

Қувондиқ Халилов — «Самарқанд» газетаси муҳбири

Одам савдосига қарши курашиш мавзусидаги материаллари учун

Умрзок Ҳамдамов — Жиззах вилояти телерадиоканали телевидение гуруҳи бўлим мудири

Вилоят қишлоқларининг бугунги қиёфаси, намунали уй-жойлар қурилишлари, қишлоқ аҳли турмуш тарзидаги ўзгаришлар тўғрисидаги туркум кўрсатувлари учун



• Термиз шаҳрида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 135 ташкилот, корхона, муассаса ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар етти юздан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди.

• Хоразмда «Юрт келажиги» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Турли йўналишларда ғолиб деб топилган 45 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли агросаноат касб-ҳунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 29 корхона, ташкилот ва муассаса томонидан юздан зиёд бўш иш ўрни таклиф этилди.

• Самарқанд шаҳрида «Соғлом бола тарбиясида миллий кадрларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Қашқадарё вилояти ғаллакорлари 145 минг гектар майдонда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишларини уюшқоқлик билан давом эттирмоқда. Жорий йилда воҳада 800 минг тонналик ғалла хирмони яратиш режалаштирилган.



• Жорий йилнинг май ойи метеокузатувлар бошланганидан буён энг иссиғи бўлди, дейишмоқда АҚШлик бир гуруҳ олимлар. Улар тақдим этган маълумотларга кўра, одатда, ушбу ойда қуруқлик ва океанлар юзасида ўртача ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича 14,8 даража илиқни ташкил этади.

• Буёк Британияда шамол энергиясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маҳаллий «Green Investment Bank»и томонидан 1 миллиард фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратилди. Сўнгги бир неча ой ичида мамлакатда ушбу йўналишдаги ишлар бир оз беқарорлашган. Масалан, март ойида «SSE» компанияси харажатларни камайтириш мақсадида иккита шамол паркинни қуришдан воз кечди.

• Яқиндагина Япониянинг «Toyota» компанияси дунё бўйича сотилган 2 миллиондан ортиқ автомобилда носозлик аниқлангани боис уларни қайтариб олишини маълум қилганди. Ушбу давлатнинг мазкур соҳада фаолият юритувчи яна учта ишлаб чиқарувчиси ана шундай муаммо олдида турибди.

Жумладан, хавфсизлик ёstickасида камчилик мавжудлиги туфайли энди «Honda» 2 миллион, «Nissan» 755 минг, «Mazda» эса 160 минг автоуловини орта қайтариши лозим.

• Италиянинг «Alitalia» миллий авиакомпанияси муайян шартлар вазига ўз акцияларининг 49 фоизини Бирлашган Араб Амирликларининг «Etihad Airways» авиакомпаниясига сотишга рози бўлди. Келишилган маблағнинг миқдори ҳақида аниқ маълумот берилганича йўқ. Лекин бир неча кун аввал Италия транспорт вазирлиги «Etihad Airways» дастлабки босқичда қарийб 560 миллион евро ҳажмида маблағ тўлашга ва келгуси тўрт йил ичида яна 690 миллион еврога тенг инвестиция йўналтиришга тайёр эканини билдирганди.

ЁШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони — Ислонбек ва Жавоҳир Синдоровларга Президентимиз совғаси топширилди.



Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шукрати» музейида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимизда ҳеч қимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етатишни таъкидлади.

Бу ёш иктидорли болаларнинг халқаро майдонларда эришган юксак галабалари барчамизни қувонтиради. Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Ислонбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритгани ҳамюртларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Жавоҳир тўрт ярим ёшдан шахмат билан мунтазам шуғулланади. У шахматчи сифатида халқаро майдондаги дастлабки галабасига 2012 йили Хиндистоннинг Дакли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эришди. 7 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида блиц турнирда олтин, классик шахмат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. 2013 йили Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Унинг укаси Ислонбек эса болалигидан ўзининг алоҳида салоҳиятини кўрсата олди. У 2012 йили Хиндистонда бўлиб ўтган қўшма биринчилигида 5 ёшгача шахматчилар ўртасида кумуш медални қўлга киритди. «Ақл гимнастики» сир-асрорини тобора пухта ва жуда тез ўзлаштираётган И.Синдоровнинг ўйин услуби бутун қўллаб муҳлису мутахассислар эътиборида. Чунки у тез ва тўғри қарор қабул

қилади, партияда ҳар қандай мураккаб вазият юзага келса ҳам фақат ҳужумга ўй беради. Ислонбекнинг ҳужумкор ўйин тактикаси 2013 йили Эрондаги Осиё чемпионатида бирйўла учта олтин медални қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этди.

Жавоҳир ва Ислонбек яқинда Грецияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, халқаро миқёсдаги галабалари тасодиф эмаслигини яна бир қарра исботлади. Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида иштирок этган Ислонбек Синдоров рапид бўйича тўққиз турнинг барчасида галаба қозонди, блиц турнирда саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Жавоҳир Синдоров тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ҳар икки йўналишда ҳам маълумиятсиз донна суриб, тўққиз имкониятдан саккиз очкодан жамғарди ва у ҳам иккита олтин медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати ғолиблари Ислонбек ва Жавоҳир Синдоровлар Президентимиз Ислон Каримов томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизорлари берилди. Президентимиз совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

— Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга ҳавас қиламиз, — дейди ЎзА мухбирига Жавоҳир Синдоров. — Президентимизнинг совғаси бизни янада юксак марралар сари руҳлантиради, катта куч бағишлайди.

Байрам АЙТМУРДОВ
Отабек МИРСОЯТОВ
олган сурат

Бугунги кунда юртимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ қафолатлаш мақсадида давлатимиз томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қонунчилик асослари яратилиб, такомиллаштирилмоқда, ёшлар, хусусан вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш борасида яратилган таълим тизими ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдига ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда tutadi.

Юртимизда таълим тизимидаги умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллиги қайд этилган мақсадларга эришishнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўтган йилларда узлуқсиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизmlари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Бунинг натижасида, республиканинг ҳар бир ҳудудида ўқувчилар учун энг замонавий, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мактаб, коллеж ва лицейлар барпо этилди.

Ўқувчиларга таълим олиш учун барча шароитлар яратилган бир вақтда, болаларнинг таълим олмаcлиги, мактаб, коллеж ва лицейга келмаслиги ёки ота-онанинг фарзандини ўқишига тўсқинлик қилиб, дарсга юбормаслиги, айна вақтда бунга масъул шахсларнинг эътиборсизлиги жойларда таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, ички ишлар, маҳалла ва бошқа мутасадди идоралар томонидан бу борадаги тушунтириш ва тарғибот ишлари етарли олиб борилмаётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Геодезия ва картография тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Ерғодезкадастр» давлат қўмитасидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти яқунлари муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ГЕОДЕЗИЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Парламент қўйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Мама-тов, «Ерғодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида геодезия ва картографияга оид фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ташкил этилиши, миллий географик ахборот тизими тузилиши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, геодезия ва картография тўғрисидаги қарор ва фармонлар, миллий қонунчилик соҳа раvнақида, бу йўналишдаги муносабатларни тартибга солишда амалий аҳамият касб этмоқда.

«Ерғодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан геодезия ва картография соҳасида давлат аҳамиятига молик ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг геодезия ва картография махсулотида бўлган эҳтиёжларини қондиришга оид ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат ҳудудларида мутлақ ва нисбий балансликларни ўлчаш ишларини олиб бориш-ни янада такомиллаштириш ва уларни доимий ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида ҳар йили давлат геодезия пунктларини мониторинг, назорат қилиш ва уларнинг ишчи ҳолатини тиклаш ишлари олиб боришмоқда.

Давлат қўмитаси томонидан умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик тематик хариталар ва атласлар, ўқув картография қўлан-

малари тузиш ва нашр қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, қўмита тизимидаги «Картография» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 200 дан ортиқ турдаги картографик махсулотлар ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган. Таълим муассасалари учун атласлар ва контур карталар, Ўзбекистон Республикасининг умумгеографик ва сиёсий-маъмурий карталари, вилоятлар карталари яратилган. «Ўзбекистон Республикасининг географик атласи» нашр қилинган.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирги кунда геодезия ва картографияга оид фаолият билан 176 субъект шуғулланиб келмоқда. Уларнинг 167 таси геодезияга оид, 9 таси картографияга доир фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга.

Бугунги кунда интерактив давлат хизматларини амалга ошириш, соҳа имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали тадбиркорларга қўлай имкониятлар яратиш, туризм ва сервисни ривожлантириш, коммунал хизматлар тўловини масофавий амалга ошириш каби масалаларни ҳал этишда зарур маълумотларни географик объектларга мутаносиб равишда ўзаро боғлаш мақсадида қўмита томонидан географик объектларнинг жойлашуви математик моделларга асосланган ҳолда рақамли харита ва планлар шаклида яратилмоқда.

Тадбирда геодезия ва картографияга оид миллий қонунчиликни бугунги давр талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Танловлар

ЯГОНАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

**Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари
ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб,
қўлимизга тўтиб қилиб яшайдиган муқаддас
саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага
алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо
хазинамиздир. Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-
қимматимиз бор, гурур ва ифтихоримиз, ниймон-
этиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.**

ётган талабаларнинг Ватанга садоқат, унинг тақдирини учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратиш-ни рағбатлантириш мақсади-да институт талаба-ёшлари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг биринчи босқичи ўтказилди.

Кўрик-танловда биринчи ўрин Фармация факультети талабаси Сардор Уринов, иккинчи ўрин Саноат фармацияси факультети талабаси Фарход Худойбердиев, учинчи ўрин

Фармация факультети 1-босқич талабаси Ёкубжон Абдуназаровга насиб этди.

Юқорида номлари қайд этилган талабалар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бу каби тадбирларни ўтказиб борилиши иктидорли талабаларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда улар қалбига ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

НИГОРА АШУРОВА,
Тошкент Фармацевтика
институтини Маънавият ва
маърифат бўлими ходими

ларда келин бўлиб тушган оиласига моддий ва маънавий қарамлик, ўзини ёлғиз сезиш, руҳий мувозанатнинг бузилиши, таъсирчанлик, туғруқдан ўта кўркиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бундан ташқари, катталарнинг қистови билан турмуш қуриш мустақил ҳаётга тайёр бўлмаслик, эр-хотинлик масъулияти ва мажбуриятларини тўлиқ англаб етмаслиги олиб келади. Оддий муаммо ва қийинчиликларни ҳал қилишда тажрибанинг етишмаслиги эса оиланинг мустаҳкамлигига, никоҳнинг бардавомлигига путур етказида. Афсуски, бугун нафақат қизларни ёш турмушга бериш, балки йигитларимизни ҳам эрта ўйлантириш жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу муаммонинг олдини олиш борасида ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида ўзгартаришлар киритилди.

Жумладан, 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартариш киритиш тўғрисида қонуни имзоланиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига қўшимча киритилиб, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсини эрга бериш ёки ўйлантириш ҳамда никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришни барчамиз хоҳлаймиз. Ушбу фаровон ҳаётни қуриш учун ҳар бири-миз масъулият билан ҳалол меҳнат қилишимиз керак, жамиятдаги барча муаммоларни ечимда халқимиз бир тан, бир жон бўлиб, жипсликда ва ўзаро ҳамкорликда бўлсак, лоқайд ва бепарво бўлмасак, албатта қўзланган эзгу мақсадга эришамиз.

Илҳом УСМОНОВ,
Юнусобод туман прокурори

ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ЙИРИК ГИДРОИНШОТЛАР ҚУРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭМАСЛИгини АСОСЛАБ БЕРДИ

Дунёдаги қадимий ва энг нуфузли тадқиқот марказларидан бири — Оксфорд университети (Буюк Британия)нинг бир гуруҳ етакчи олимлари чуқур комплекс тадқиқот ўтказиб, ривожланаётган мамлакатларнинг энергия таъминоти муаммоларини кўп маблағ талаб қиладиган гидроэлектр станциялар қуриш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида илмий асосланган ҳулосага келди.

Оксфорд университети олимлари А.Ансар, Б.Флай-бьерг, А.Бадиер ва Д.Ланн замонавий статистика услубларидан фойдаланган ҳолда, сўнгги 70 йилда беш қитъа ва 65 мамлакатда қурилган 245 йirik тўғонни таҳлил қилиб, йirik гидроэнергетика иншоотларини қуриш нечоғки мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала юзасидан илмий асосланган ва далиллар билан исботланган батафсил тадқиқотни тайёрлади. Тадқиқот натижалари «Энергетика сисёати» халқаро журналинда чоп этилган «Йirik тўғонлар барпо этиш керакми? Гидро-энергетик меғалоийҳаларни амалга оширишнинг реал қиймати» мақоласида баён этилган.

Британиялик олимларнинг ҳулосасига кўра, йirik тўғонлар қуриш бўйича ҳар тўрт лойиҳанинг учтасини қуриш жараёнида уларнинг қиймати ортиб борган. Яъни, уларнинг ҳақиқий қиймати лойиҳа қийматидан ўртача 96 фоиз ёки қарийб икки баробар кўпайган. Тадқиқот шуни кўрсатдики, йirik тўғоннинг лойиҳада белгиланган қийматини етарлича баҳоламаслик эҳтимоли бугун ҳам 1934 йилдаги каби юқориликка қолмоқда.

Тадқиқот давомида йirik меғатўғонларни барпо этиш бундай лойиҳалар қийматининг шиддатли ўсиши билан боғлиқлиги аниқланган: баланслиги 100 метр бўлган тўғонни қуриш, одатда, 50 метрлик тўғонни қуришдан тўрт марта қimmatга тушади. Олимлар тўғонларнинг лойиҳалаштирилаётган ва яқуний қиймати ўрта-сидаги фарқ мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратган. Бу борада махсус ўтказилган статистик таҳлил даромад даражаси паст бўлган мамлакатлар йirik тўғонлар қуриш қийматини етарлича баҳоламасликка мойилигини кўрсатди. Шу муносабат билан тадқиқот муаллифлари қуйидагиларни таъкидлаган: «Ривожланаётган мамлакатлар, йirik тўғонлар каби мураккаб иншоотларга гўё эҳтиёж юқори туюлса-да, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилишдан тийилишлари лозим».

Тадқиқот муаллифлари тўғонлар қурилишининг қий-мати ошишини таҳлил қилиш баробарида, бундай қури-лишининг лойиҳада кўзда тутилган муддати билан уни қуриб битказиш муддати ўртасидаги тафовутни ҳам ўрғана-ниб чиқди. Бу борада улар ўрта йirik тўғоннинг саккизтаси лойиҳада кўзда тутилган муддатларда нихоя-сига етказилмаганини аниқлади. Объектни фойдала-нишга топшириш бўйича лойиҳада назарда тутилган муддатдан орқад қилиш вақти ўртача 44 фоиз ёки 2,3 йилни ташкил қилган.

Статистик таҳлил шуни кўрсатдики, баланслиги 150 метрдан юқори бўлган меғатўғонни қуриш муддати бун-дан пастроқ бўлган шундай иншоотни барпо этишга кетадиган ўртача муддатдан анча кўп, яъни 8,6 йилни ташкил этади. Тадқиқот муаллифларининг фикрича, бу йirik гидроиншоотлар тарафдорларининг ГЭС энергия таъминоти муаммосини тез ва самарали ҳал этиш йўли экани ҳақидаги фикрлари мутлақо асоссиз эканидан да-лолат беради. Ривожланаётган мамлакатларда йirik тўғонлар қурилиши, статистика кўра, ривожланган дав-латлардагига нисбатан кўпроқ вақт талаб этади.

Британиялик олимлар йirik тўғонлар қуриш ва унинг оқибатларини етарлича инобатга олмаcлик катта икти-содий ва молиявий зарар келтиришини аниқ кўрсатиб берган. Хусусан, муаллифлар йirik тўғонлар жиддий экологик ва ижтимоий таъсирга эга эканини қайд эт-ган. Бу борада йirik ГЭСлар қурилиши аτροφ-муҳитга фалокат келтиргани ва кейин ўн йиллар давомида улар-нинг экологик оқибатларини юмшатиш учун ўн милли-ардлаб доллар сарфлаш талаб этилишини мисол қилиб келтирган.

Олимлар ўтказилган тадқиқот натижаларига асосла-ниб, қуйидаги ҳулосага келган: «Катта молиявий хара-жатлар ва аτροφ-муҳитга келтирилмаган ҳалокатли зар-рар инобатга олинса, йirik тўғонлардан келадиган ва кўкларга қўтариб макталган фойда аслида шубҳали-дир. Замонавий йirik тўғонлар қўлами шу даражада кенги, уларни қуришда озгина адашиш ҳам ҳатто икти-содий ривожланган йirik мамлакатларнинг ҳам икти-содий аҳолини мураккаблаштириш, бундай меғалоий-ҳаларни амалга оширишга йўналтириладиган катта микдордаги маблағлар нафақат компаниялар, балки давлатнинг ҳам молиявий аҳолига салбий таъсир кўрсат-иши мумкин».

«Фуқаролик жамияти ва илмий тадқиқотларда йirik тўғонлар иқтисодий, ижтимоий ва экологик оқибатлар, шунингдек, жамоатчилик учун самараси гоёт паст экан-лиги ҳақида қўллаб далиллар пайдо бўлмоқда», дейди муаллифлар.

Олимлар ўз тадқиқотининг натижаси сифатида, энер-гия таъқиллиги муаммоларини ҳал қилишда йirik гид-роэлектр станциялар барпо этиш билан боғлиқ бўл-ган вариантларни тавсия этган. Бу, айниқса, салбий геологик шароит омиллари, қурилиш узоқ муддат та-лаб қилиши ва унинг қиймати кескин ошиб кетиши хавфи мавжуд бўлганда янада муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, муаллифлар ривожланаётган мамлакат-лар ҳукуматлари катта микдордаги қарз маблағларини жалб этиш эвазига амалга ошириладиган ва мамлакат-нинг молиявий аҳоли ва иқтисодий истиқболини хавф остига қўядиган йirik лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш-дан тийилиши лозимлигини тавсия этган.

Тадқиқот натижалари гўё арзон электр энергияси ишлаб чиқарадиган йirik гидроэлектр станциялар қуриш тарафдорларига оғоҳлик қўнғироғи бўлиб жа-ранглаши даркор. Оксфорд университетининг нуфузи, тадқиқотчиларнинг юксак малакага эга экани, шунинг-дек, тадқиқотда фойдаланилган салмоқли илмий ва ста-тистик база эътиборга олинмаган бўлса, бу натижалар жаҳон ҳамжамияти фикрига жиддий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Мақола муаллифларининг ҳулоса ва тав-сиялари сисёатчи-амалиётчилар учун энергия таъми-ноти муаммосини бугунги кунда эскирган ва катта тех-ноген, иқтисодий, ижтимоий ва экологик хавфи йи-рик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳа-ларидан кўра ҳар томонлама чуқур ўйланган, фойдали ва хавфсиз ҳал этиш йўллари таллашда алоҳида аҳа-миятга эгадир.

